



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцент

Олий маълумотли хамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш” кафедраси

Катта ўқитувчилар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Психиатрия ва наркологиya” кафедраси

Олий маълумотли хамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Одам анатомияси ва ОЖТА” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Умумжамият соғлиқни сақлаш мактаби”

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология, нур диагностикаси ва терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожаррохлик №2” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Малака ошириш факультетига қарашли “Тери-таносил касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жаррохлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия №1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жаррохлик №1” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Отолорингология ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар №2” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Хирургик касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Акушер гинекология №2” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Гематология трансфузология ва лаборатория иши” кафедраси

Олий маълумотли хамшира факультетига қарашли “Суд тиббиёти” кафедраси

Олий маълумотли хамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ҳозирги замонда инсонларнинг билими ва малакаси жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини аниқловчи муҳим омилдир. Шунинг учун кўпчилик мамлакатлар, жумладан Республикаларда ҳам таълимни ривожлантириш истиқболи энг асосий масалалардан бирига айланмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва қатор Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг қатор қарор ва буйруқлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017

йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан даволаш иши, касб таълими (даволаш иши), ҳарбий тиббиёт, тиббий профилактика иши, тиббий биология иши таълим йўналишларида ўқиш муддатининг қисқартирилиши муносабати билан малака талаблари, ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинди. Ишчи гуруҳ томонидан таянч этиб белгиланган даволаш иши, касб таълими (даволаш иши), ҳарбий тиббиёт, тиббий профилактика иши, тиббий биология иши таълим йўналишларининг малака талаблари, ўқув режалари соғлиқни сақлаш тизимининг бугунги аҳтиёжи ва халқаро тажрибаларга таянган ҳолда қайтадан ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Янги 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб академиядаги мавжуд барча таълим йўналишларининг 1-босқичларида ўқув жараёни мазкур такомиллаштирилган меъёрий хужжатлар асосида ташкил қилинади.

Ф.АЗИЗОВА,
Ўқув бўлими бошлиғи

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультети қошидаги урология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Фарҳод Атаулаевичга турмуш ўртоғи

Гавҳар Йўлдошевна АКИЛОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультети қошидаги умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси собиқ профессори

Тоҳир Ҳотамович ҚАЮМОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.



БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоеън этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз энг улуг, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллигини қизғин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар! Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқлолимизнинг 26 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Сизларга ҳамиша соғлиқ-омонлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Тошкент Тиббиёт академияси ректори
Л.Туйчиев

БУЮК ВА МУҚАДДАС ОНА ВАТАНИМ



Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам nasib этмайди.

Ислом Каримов

“Мустақиллик”, “Озодлик”, “Хуррият”. Бу муқаддас каломлар тилидаги энг тотли, энг улуг, энг азиз, энг ардоқли, энг хузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда яшаш қанчалик фожиа-бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт – олий саодатдир. Бундан йигирма олти йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди – Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли бой тарих ва маданий меросга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлиги, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Истиқлол! Истиқлол бизга нима берди? Аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ишда, ўқишда юсак мақсадларимиз томон одимлашда эркинликни берди. Тилимизни берди. Энг муҳими, юрт ва мамлакат тақдирини дахлдорлик туйғусини ҳис қилиб яшаш ҳуқуқини берди.

Мен бир аёл сифатида, она ва олма сифатида, юртимнинг бир фуқароси сифатида

– мана шу кўм-кўк осмон ости, меҳрибон она Ер усти, инсонлар фаровон турмуш кечираётган энг тотли, энг улуг, энг азиз, энг ардоқли, энг хузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда яшаш қанчалик фожиа-бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт – олий саодатдир. Бундан йигирма олти йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди – Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли бой тарих ва маданий меросга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлиги, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Истиқлол! Истиқлол бизга нима берди? Аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ишда, ўқишда юсак мақсадларимиз томон одимлашда эркинликни берди. Тилимизни берди. Энг муҳими, юрт ва мамлакат тақдирини дахлдорлик туйғусини ҳис қилиб яшаш ҳуқуқини берди.

Мен бир аёл сифатида, она ва олма сифатида, юртимнинг бир фуқароси сифатида

Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА,
доцент

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun mu'ul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



**Боқий бахт аслида кўнгил хурлиги,
Боқий бойлик эса - сўзнинг дурлиги.**



ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



Инсон киндик қони тўкилган муқаддас гўша бу унинг Ватанидир. Ватан, инсон учун беқиёс, бебаҳо, шундай буюк неъматки, унинг таърифи, талқини ҳеч қачон тугамайди.

Дунёда пўлат ҳам ейилар, темир ҳам занглар, чўян ҳам эгилар экану лекин инсоннинг Ватанга бўлган муҳаббати, эътиқоди ҳеч қачон сўнмас экан. Тириклик қони томирлар бўйлаб сузар экан, Ватан сўзи инсон қалбида мангу муҳрланаверади.

Мустақиллик бизга берилган неъматлар ичиде энг бебаҳосидир. Бундай улуг кунларга еткунга қадар не-не ажодларимиз озодлик дея, гоҳ қўлда қилич, қалбда жасорат, гоҳ қўлда қалам, юракда шижоат билан кураш олиб бордилар.

1 сентябрь – Мустақиллик куни мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон харитасида янги, мустақил суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий санадир. Эл-юртимиз томонидан энг улуг, энг азиз байрам сифатида доимо катта

шоду хуррамлик билан нишонланиб келинади.

Мустақиллик байрамини тантанали равишда, юқори савияда, кўтаринкилик билан муносиб нишонлаш мақсадида Юртбошимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Қарорни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда мамлакатимиз ривожланиш йиллари бирма-бир гавдалана-веради. Бугун биз дунё тан олган, неча-неча довлонларни матонат билан босиб ўтган, кураги ерга тегмаган, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга буюк мамлакатимиз. Ватанимиз билан ҳамisha фахрланадиган юрт эгаларимиз.

Бугун йигирма олти йиллик тантаналаримиз “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” шiori остида садоланмоқда. Жарангдор шiorимиз истиқлолнинг қадрини, аҳамиятини янада

теранроқ ҳис қилишга ундамоқда. Ҳар бир жаҳада юртимиз бўйлаб истиқлол гоյларини ўзида мужассам этган ҳолда ташкилий-амалий, маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бош гоյга асосланган тадбир дастури 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Юртимизда энг яхши кўшиқ ва мусиқий асарлар учун “Ягонасан, мустақил Ватан!” Республика танлови, ёш истеъодлар учун “Нихол” мукофоти, “Энг улуг, энг азиз” Республика танловлари ўтказилмоқда.

Тантаналаримиз шуқуни кун сайин жарангдор оҳанглар билан садоланмоқда. Зеро, шу ота макон, она тупроқ, жаннат диёр, истиқлол ато қилган имкониятлар, эркин ва фаровон турмуш учун фидо бўлсак арзийди.

Н.ҲАКИМОВА,

ТТА қошидаги академик лицей Ёшлар иттифоқи етакчиси


БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Республикамиз бўйича умум таълим мактабларнинг 9-синф битирувчилари таълимни кейинги босқичга 10-синфда қолиб ўқиши ёки ўқувчининг мактабни тугатиб академик лицей ёки касб-хунар коллежга кириб келиши янгилаш ва ярашиш фаслига ўхшайди. Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда иқтидорли ва истеъодли ўқувчиларни танлаб олиш, уларнинг иқтидор ва истеъодларини рўёбга чиқариш борасида ўқитувчилар томонидан кенг қамровли ишлар олиб бориш тизимли равишда амалга оширилади. Ўқувчилар билан махсус машғулотлар, билимлар беллашуви, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ҳамкорлигида илмий йўналтирилган гуруҳларда амалий машғулотлар тизимли ташкил этилган. Ўқувчиларни илмий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш бевосита ўқитувчилар раҳбарлигида амалга оширилади.

Кимё кафедрa ўқитувчиси Жўраева Раъно ўқувчиларнинг кимё фанига бўлган қизиқиши ва иқтидорини аниқлаб, улар билан муттасил иш олиб бориб республика ва халқаро кимё олимпиадаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бугун келажакимиз эгаларининг бахту камоли учун барча шароитлар яратилган она диёримизда иқтидорли ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Шундай ўқувчилардан бири Жавоҳирбек Абдуҳакимовдир. Жавоҳир босиб ўтган йўл унинг барча тенгдошларига намуна бўлиши, тенгдошлари қалбида фахр ва ифтихор туйғусини уйғотиши шак-шубҳасиздир. Чунки Жавоҳирбек Абдуҳакимов 2016–2017 ўқув йилининг ўзида жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган олимпиадаларда қатнашиб юқори кўрсаткичларга эришди. Булардан бири Остона шаҳрида ўтказилган 51- халқаро Д.И.Менделеев олимпиадаси бўлса, иккинчиси Таиланд шаҳри Накхон Патхомда ўтказилган 49-Бутунжаҳон халқаро олимпиадасидир.

Жавоҳирбек Абдуҳакимов мактаб давридан кимё фанига қизиқар эди. Уни ҳар доим дарсдан сўнг кимё ўқув хонасида ёки лабораторияда учратиш мумкин. Биринчи босқични битириб ёзги таътил кунларида ҳам Жавоҳирбек академик лицейда ўз устози билан шуғулланар эди. Кейинчалик Жавоҳирбек Абдуҳакимов тенгдошлари ва академик лицей жамоаси томонидан тинимсиз изланувчан, ўрганишдан толмайдиган, янгиликка қизиқувчан ўқувчи



сифатида ҳурмат билан тилга олинадиган бўлди. Инсонни ҳеч нарса меҳнатчилик юксакликка кўтармаслигини билган Жавоҳирбекнинг саъй-ҳаракати уни бугун голиблар сафига кўтарди.

– Бугун мен барча тенгдошларим қатори кенг имкониятлардан баҳраманд бўлаётганимдан чексиз фахрланаман, – дейди Жавоҳирбек кувонч билан. – Мактабда таҳсил олган йилларимда, кимё фанига бўлган қизиқишим мени Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейга етаклади, кимё фанидан олган билимларимни академик лицейда ўқишим мобайнида чуқурлаштириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлдим. Бунинг учун шу даражага эришишимга ёрдам берган устозларимга, ота-онамга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Жавоҳирбек Абдуҳакимовнинг эришган ютуқлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига муносиб тўхфадир.

Ф.ВОҲИДОВА,
кафедра мудири

АТРОФ-МУҲИТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатлар атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш даражасини маълум даражада камайтириш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини берди. Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ва назорати бўйича ўтказилган таҳлил бир қатор камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги бошқа вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда атроф-муҳитнинг экологик ҳолати мақбул тарзда сақланишини, экология тизимлари, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлашни, экологик вазият соғломлаштирилишини таъминлаш; экологик тарбия, тарғибот ва маърифий ишларни, шунингдек, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш; хорижий мамлакатларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил қилишга оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз қонунчилигига Давлат экология кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобот бериб бориши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Тошкент Тиббиёт академиясида ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича бир қанча хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларини амалга оширишмоқда. Тошкент Тиббиёт академияси ва Корея университетининг ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган халқаро илмий грантнинг академияда ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишларнинг бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур “Экология

ва инсон саломатлиги” лойиҳаси доирасида имзоланган меморандум шартларига кўра экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда инсон организмга таъсир этувчи атроф-муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги илмий ишлар (PhD дастури бўйича ўқитиш) янги очилган атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралар ҳамда Корея университетининг профилактик тиббиёт факультети кафедралари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Меморандум асосида Корея Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги ҳамкорлигида ТТА “Атроф-муҳит гигиенаси” кафедрасида 2017-2018 ўқув йилидан “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш бошланди. Ушбу магистратура йўналиши

бўйича мутахассисларнинг асосий вазифаси ташқи муҳит ноҳуш омилларни аниқлаш ва уларнинг инсон организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

“Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш хорижий тажрибага асосланиб тузилган ўқув дастури бўйича олиб борилади ҳамда халқаро даражадаги мутахассисларини тайёрлаш имконини беради.

“Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” йўналиши бўйича магистратура битирувчилари





Давлат санитария эпидемиология назорат марказларида, атроф-муҳит ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларида, атроф-муҳит назорати билан боғлиқ бошқа муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси тиббий олий таълим муассасаларида фаолият олиб боришлари мумкин. Шунингдек, битирувчилар хорижий университетлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши ва Корея университетиде ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Шу ўринда дунёда пайдо бўладиган касалликларнинг - 24%, юз бераётган ўлимларнинг эса - 23% атроф-муҳитдаги олди олинishi мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсири сабаб бўлаётгани ҳамда ушбу ноҳуш ташқи муҳит омилларини аниқлаш ва уларнинг инсон организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экологик муаммолар – бу комплекс ҳал этилиши керак бўлган муаммо бўлиб, уни ижобий ҳал этишда алоҳида бир давлат эмас, балки дунёнинг барча давлатлари ҳамда жуда кўп соҳа мутахассислари ҳамкорликда иштирок этишлари керак.

Ф.И. САЛОМОВА,

Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси мудири





КИМ ЭДИК ВА КИМ БЎЛДИК?

– **Қутбиддин Низомов:** мухтарам Биринчи Юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Тарихий ҳақиқатларсиз ҳақиқат йўқ” деган битиклари бор. Мана, юртимиз мустақиллик туғини кўлига олганига ҳам 26 йил бўлди. Ана шу мўъжазгина давр оралиғида Ўзбекистон ўзининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозаларига чиқиб олди. Биз мустақилликдан аввал ким эдик ва бугунги кунда кимга айландик? Шу масала бўйича суҳбатлашсак.

– **Алижон Зоҳидий:** Бугунги кунда давлатимиз иккинчи бор уйғониш, яъни Ренессанс даврини бошдан кечирмоқда. Биринчи бор улуг Амир Темур пароканда бўлган элатларнинг бошини қовуштириб, улкан иморатлар қуриб, бир қўлида қилич, бошқасида эса адолат билан буюк давлатга асос солган эдилар. Орадан 7 аср ўтиб Биринчи Юртбошимиз И.А. Каримов сазъ-ҳаракатлари билан бошланиб, мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган юксалиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. 1971 йили отам раҳматлик мени Имом Бухорийнинг зиёратларига олиб борган. Бутазорлар, қамишзорлар орасида мунгайиб турган кўрimsиз мақбарага кўзим тушиб ҳайратда қолгандим. Самарқанддаги Биби хоним ансамблининг деворлари тўзиб ғишлари кўчиб ётар, ёнгинамизда Ат -Доромий ва Малҳам ота каби валийларнинг хоби ётганлигидан камдан-кам одамларгина бохабар эди. Мустақиллигимиз шарофати билан бугун улар жаҳон андозалари даражасида таъмирланиб, бутун дунё туристларини ўзига қорлаб турибди. Тинчлик-омонлик ҳукм сурган, ижтимоий-иқтисодий муаммолар йўқ, устида томи-ю, дастурхонида мўл-кўлчилик бўлган юртда! Ахир оч қорин ва дарбадарлик билан юрган инсоннинг биринчи муаммоси илм-фан эмас, балки иқтисодий масалалар бўлади. Мустақил диёримизда ижтимоий, иқтисодий жиҳатларда тўғри сиёсат олиб борилаётганлиги боис жаҳоннинг аксарият мамлакатларига ўз салбий таъсирини ўтказган, аҳоли яшаш сифати, турмуши даражасига, табиийки жисмоний, руҳий саломатлигига ёмон таъсир кўрсатган таназзуллар юртимизни четлаб ўтди.

– **Қутбиддин Низомов:** Соғлиқни сақлаш тизими мустақиллик йилларида эришган ютуқлари борасида суҳбатлашсак...

– **Алижон Зоҳидий:** Юртда аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими ҳар томонлама талабга жавоб бериши учун миллий даромаднинг 8.0 фоизга яқини соғлиқни сақлаш тизими учун ажра-

тилиши лозим. Иттифоқда бу кўрсаткич 3 фоизни, Японияда 9 фоизни, Германияда 11 фоизни, Америкада 7 фоизни ташкил қилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Грузияда 1,5 фоизни, Тожикистонда 1 фоизни, Россияда 2 фоизни ташкил қилган. Бугун Ўзбекистонда бу кўрсаткич жаҳон андозалари даражасига етиб қолди. Буларнинг барчаси янги, замонавий тиб масканлари, марказлари очилишида, уларни жаҳон андозасига жавоб бера оладиган тиббий жиҳозлар билан таъминланишида, шифокорларимизни хориж давлатларида, илғор технологиялар бўйича малака оширишида, Республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан миллий генофондимизни яхшилаш бўйича ҳар йили кўлаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, биз шифокорлар ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб, ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. “Соғлом бола йили” бўлган 2014 йилда мен “Соғлом бола – соғлом келажак” деб номланган китоб чоп этдим. Мазкур китоб икки марта, жазми 50 минг нусхада чоп этилиб ҳар бир мактаб, лицей, коллеж ва болалар боғчасига тарқатилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Жанубий Корейда бўлганимда замонавий медицина муассасалари билан бир қаторда халқ табобати марказлари ҳам ишлаб турганлигига, аҳоли ўз истак-хоҳишига қараб танлаш имкониятига эга эканлигига ҳавасим келганди. Бугун Ибн Синонинг авлодлари бўлган юзлаб ҳозиқ табибларимиз медицина ходимлари билан бир қаторда туриб аҳолимиз саломатлиги йўлида курашмоқдалар.

– **Қутбиддин Низомов:** Миллий генофондимиз бу йилларда қандай ўзгарди?

– **Алижон Зоҳидий:** Миллий генофонд – бир миллият ирсиятномаляри жамғармасидир. Бунинг маъно-моҳияти шу миллат вакилларининг онглилик даражаси, ақлий, жисмоний, руҳий, жинсий саломатлиги даражаси кўрсаткичларидир. Миллий генофондни яхшилаш эса ана кўрсаткичлар уйғунлашмасини яхшилаш дегани. Тарихда бундай уринишлар кўп бўлган. Қадимги Римда касалванд ва нотавон болалар парвариланмаган, уларнинг табиий ўлиби кетишига йўл қўйилган. Греклар буни евгеника деб атаганлар. Жоҳилият даврида эса жинслар мувозанатини изга солиш учун асосан қиз болаларни мубтало ва нотавон бўлса ўғил болаларни ҳам тириклай қумга қўнганлар. Мисоллардан кўриниб турибдики, тарихда миллий генофондни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг барчаси хунрезлик ва шафқатсизликка асосланган. Бизнинг юртимизда эса бу жараёнлар инсон омилига эътибор, ғамхўрлик, тиббиёт нуқтаи-назари билан қаралса, профилактик йўналишларда

олиб борилганлиги учун юксак самара берди.

– **Қутбиддин Низомов:** Мустақиллик аталмиш улуг неъматнинг сийрати ва сифатини кўрсатиб бердингиз. Аммо, аҳоли орасида арзимас бир сабабга жиғибийрон бўладиган, тўкин-сочинликнинг қадрига етмайдиган, шукроналик ҳиссидан мосуво одамлар ҳам учраб туради...

– **Алижон Зоҳидий:** Инсон ҳар куни эрталабгача етиб тирик уйғона олганлигига, кўзлари ёри, фарзандлари, феруза осмонни кўра олганлигига, қулоғи Чўли Ироқни, фарзандлари кулгусини эшита олганлигига, оёқлари вужудини кўтариб, истаган манзил-маконига олиб боролганига, онги эса юрт учун, ўзи учун, оиласи учун наф келтира оладиган даражада эканлигига шукроналар қилиши лозим. Марҳум устозим, Эркин Қосимов Академиямиз 3-босқич талабаларига “Клиникага йўл” деган анжуман ўтказар ва унда “Мустақиллик бизга нима берди, биз ўз навбатида мустақилликка нима беролдик?” деган қисми бўларди. Мен устознинг бундай анжуманларида кўп марталиб иштирок этган ва табиийки, талабаларимизнинг жўшқин ва сермазмун жавобларидан баҳра олардим. Унда бир талабамизнинг мустақиллик йилларида ўтказилаётган ислохотлар натижасида яқин йилларда Бухорий, Самарқандий, Фарғонийларнинг ворислари жаҳонга донғи кетган спортчилар, Нобель мукофоти лауреатлари чиқишини айтганида, мен башорат сифатида қабул қилган эдим. Мана, буюк ўтмишдошларимизнинг муносиб меросхўрлари, спортнинг шахмат, каратэ бўйича жаҳон чемпионлари ҳам чиқиб Ватан байроғини балан кўтармоқдалар, яқин йилларда Нобель мукофоти совриндорлари ҳам етишиб чиқади, менинг бунга имоним комил.

– **Қутбиддин Низомов:** Кўриниб турибдики, оқсоч тарихнинг кичиккина бўлаги – 26 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозалари даражасига чиқиб улгурди. Республикаимизда кечаётган соғлом сиёсат, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, халқ ва қишлоқ хўжалигида оқилона ислохотлар кечаётгани буюк келажак яратиш йўлидаги улкан бир пиллапоя бўлади деб умид билдираман.

Суҳбатни “Тиббиётнома” махсус муҳбири Қ.Низомов олиб борди

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Давлатнинг таянчи тиргаги шу мамлакатнинг ёшлари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Ёшларнинг ўқиши, билим олиши, ҳунар эгаллаши дунё миқёсида ўз иқтидори, истеъдодини намоён қилиши борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ёшларни кўллаб-қувватлаш ҳар томонлама рағбатлантириш борасида шу йиллар давомида “Нихол”, “Зулфия” Давлат мукофотлари ёш истеъдод ва иқтидор эгаларини кўллаб-қувватлашга замин яратди. Келажак эгаларини маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар, фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, китобхонлик савиясини кўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда Ёшлар куни” сифатида нишонланади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаолигини оши-

риш билан боғлиқ бир қатор янги муҳим вазифалар қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича дастурнинг таълим муассасасидаги ижросини ташкил этиш борасида ТТА қошидаги академик лицей 2017-2018 ўқув йилига қатор вазифалар қўйди.

Фармонга мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунни талабларининг ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва дастурни таълим муассасасидаги ижросини ташкил этиш борасида ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларга диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва оилавий қадриятларни чуқур сингдириш, китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширади. Ўқувчи ёшларни илмий ва ижодий фаолият натижаларини илм, фан, адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни ёритиш мақсадида “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб”, “Энг яхши китобхон” республика танловларида ўқувчи ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлайди. “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш

мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувларни мунтазам ташкил этади.




Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистан” газеталари, “Ёш куч” журналларининг мутолаасини йўлга қўйиш амалга оширилади. ТТА қошидаги академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари фаоллигида “Энг буюк жасорат – маънавий жасорат” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича кенг миқёсда тарғибот ишлари ёшлар иттифоқи етакчи ва аъзолари билан биргаликда олиб борилади.

2017-2018 ўқув йили давомида илк марта “Мард ўғлон” давлат мукофотига муносиб номзодларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш, иштирокини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилиши белгилаб қўйилди.

Истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама кўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, чет тилларини ўргатиш ва замонавий ахборот- коммуникация технологияларини пухта эгаллашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш таъминланади. Ёшларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтириш ва ўқувчи-ёшларимизни мафкуравий таҳдиддан асраш интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш асосий вазифамиздир.

Зеро, буюк келажак барпо этишда муносиб ворисларни тарбиялаш, Ватанга садоқат руҳини сингдириш, буюк аждодларимизга муносиб авлодларни тарбиялаш асосий бурчимиздир. Шундай экан, ёшлар, келажакимиз бунёдкорлари – эртаимиз эгаларидир.

А. Р. ШЕРМУРАТОВ,
ТТА қошидаги академик лицей директори



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА ёхуд бугунги кун талабасининг маънавий-психологик қиёфасига чизгилар

Оламда эришиш мумкин бўлмаган нарсалар жуда кам. Агар бизда қатъият кўпроқ бўлганда истаган мақсад сари элтадиган йўлни топа олардик.

Ларошфуко

Фарзандлар тарбияси, келажаги ва тақдирга дахлдорлик миллатимизга хос эзгу фазилат. Ўғил-қизларни элга муносиб қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг улуғ ниятидир. Бу эзгу амал асрлар силсиласида тобланиб, болажонлик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби туйғуларни ўзида мужассамлаштириб, истиқлол йилларида янада бўй кўрсатди. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз ёшларининг маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий дунёқароши тамоман ўзгарди. Миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланган, миллий истиқлол ғояларига, миллий мафкурамизга содиқ ёшлар сулоласи шаклланди. Жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистоннинг реал ҳаётида туб сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Бу ҳолни, айниқса, жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, маънавият ва маърифат, иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий соҳаларнинг таълим тизимидаги, хусусан, олий таълим муассасалари фаолиятида юқори малакали мутахассиснинг маънавий олами шакллантириш ҳам устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилганда яққол кўришимиз мумкин.

Хўш, “инсоннинг маънавий олами” деганда нимани тушуномқ зарур? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов: “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мухтасар қилиб айтганда, Аллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Уйлайманки, бундай ҳулосани инсоният ўз онгли ҳаёти давомида доимо орзу қилиб, интилиб келган юксак маънавий идеалнинг фалсафий ифодаси, мантикий натижаси сифатида қабул қилиш ўринлидир”, — дея, инсоннинг маънавий олами шакллантириш муаммоси аслида

ота-боболаримиз, мутафаккирларимиз томонидан асрлар мобайнида интилиб келинган орзу-умидларнинг янги замон руҳи билан суғорилган шаклидир.

Маърифатли, маънавиятли инсон — жамият кўрки. Ўқимишли кишилар бошқалар учун ҳар доим ибрат намунаси бўлиб келган. Зиёли, етук маънавият соҳиби сифатида камол топиш эса жамиятда таълим ва тарбияга қаратилаётган муносабат билан чамбарчас боғлиқ.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелда имзолаган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори соҳани тубдан такомиллаштириш, пировардида ёшларимизнинг энг замонавий шарт-шароитларга эга таълим даргоҳларида сабоқ олиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган салоҳиятли мутахассислар бўлиб етишини таъминлашга қаратилиб, шу қарорни такомиллаштириш ва амалдаги ижросини тўлиқ таъминлашни кўзда тутган бўлса, жорий йилнинг 27 июлида “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги Қарориде эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ҳар бир муайян талаба билан олиб бориш, уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг таъсирчан чораларини кўриш юзасидан услубий асосларни яратиш, талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бири мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланилишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишни кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда ёшлар

тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олиб, олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича директорларнинг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг даврий малакасини ошириш чораларини ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги Қарорига қайта мурожаат қилиниб, унинг 1-илоvasи 38-банди ижросини таъминлаш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги 526-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясида Низом ишлаб чиқилди ва шу асосда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил қилишда мақсад этиб қуйидагилар белгиланади:

– ТТАда бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва таadbиркор, замонавий билимларни эгаллаган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун ва виждони уйғоқ мутахассисларни тайёрлаш;

– Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ғоя ва умуминсоний қадриятларни сингдиришдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқитиладиган барча фанларни миллий ғоя билан уйғун бўлишини таъминлаш, талабаларда сиёсий ва ижтимоий фаолликни кучайтириш ишларини тизимли асосда йўлга қўйиш;

– Талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатда қабул қилинган қонун, фармон, қарор, фармойишлар, вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан хабардорлигини таъминлаш орқали улардаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш;

– ТТАда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар тизимида натижадорлик, амалиёт ва ижро интизомини юксалтириш бўйича амалий механизмларни жорий қилиб бориш;

Давоми 5-бетда.

Давоми. Боши 4-бетда.

– ТТАда талабалар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар, техник ходимлар ва турли жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ўртасидаги ўзаро соғлом маънавий муҳитни таъминлаш;

Қуйидагилар маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил қилишда асосий вазифалар этиб белгиланади:

– ТТАда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий соҳага оид қонун, фармон, фармойиш, қарор ва давлат дастурлари ҳамда тегишлилиги бўйича вазирлик, идоралардан туширилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш;

– Маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбия ишларининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қатъий амалга оширилишини назорат қилиш;

– Маънавий-маърифий кенгаш фаолиятини ташкил этиш ҳамда жамоат ташкилотлари, ижтимоий-гуманитар кафедралар (йўналишлар) фаолиятини мувофиқлаштириш;

– Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Республика маънавий ва маърифат кенгаши таркибига кирувчи барча тизимларнинг вилоят бўлимлари, ҳуқуқ-тарғибот органлари, диний ва сиёсий ҳамда бошқа ташкилотлар билан талаба ёшлар тарбияси борасида ҳамкорлик ишларини мунтазам ташкил этиш;

– Талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар, техник ходимлар ва турли жамоатчилик ташкилотлари орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириб бориш, шунингдек, спорт-соғломлаштириш, маиший хизмат, овқатланиш, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш тузилмаларининг узлуксиз ва сифатли ишларини таъминлаш масалаларини назорат қилиш;

– “Маънавият соати”, “Ахборот ва мураббийлик соати”, “Маънавият куни”ни юксак савия ва талаб даражасида ўтилишини, маънавий-маърифий жараёни назорат қилиш ҳамда ушбу йўналишдаги таadbирларга етук мутахассисларни тақлиф қилиш ишларини тақлиф этиш;

– Талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ишчи-ходимлар, техник ходимлар ва турли жамоатчилик ташкилотлари вакиллари муаммоларини ўрганиш, касаба уюшмаси ташкилоти билан ҳамкорликда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама фаолликларини ташкил этиш;

– Талабалар тарбиясида ота-оналар ва маҳаллалар билан ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш;

– Мураббийлик тизими фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мазкур тизимнинг миллий қадриятларимиз асосида ривожланишига эришиш;

– Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш ва уларда профессор-ўқитувчиларнинг фаолликларини ошириш;

– Маънавият ва маърифат бўлимининг ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

– Факультет деканларининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлари ишини мувофиқлаштириш ва фаолиятини назорат қилиш;

– Ўқув бинолари, талабалар турар жойлари ва кафедраларни бугунги кун талаблари (вазирлик томонидан тавсия этилган намунавий тартиб) асосида тасвирий тарғибот воситалари билан жиҳозланишини назорат қилиш;

– ТТАдаги маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва натижадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрелда имзолаган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги ҚБ-2909 сонли қарори ва 2017 йилнинг 27 июлида “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги бир-бирига чамбарчас ҳолда ижро механизми назарда тутилган ўта муҳим иккита қарорни янада тўлдирish ва такомиллаштириш, улар ўртасидаги механизмни янада мувофиқлаштириш, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юрtdошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбиде Ватанимиз тақдир ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланиши ва бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёни кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётган мураккаб ва таҳликали вазиятда соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни назарда тутиб, хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қуттилган натижага эришилма-япти. Бу каби мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 28 июлида

“Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилингани айна мудоао бўлди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайғуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касбуна тарғибот қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиш ва янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенгшаси олмайдиде. Бу ҳақиқатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чуқур эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада эса мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантиришнинг қуйидаги энг муҳим, яъни:

– ёш авлодга ўзлгимиз, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланиган эзгу фазилатларини, жамият олдида турган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш;

– жамиятимизда бугунги кунда мавжуд бўлган ҳурфикрликка таънаган ҳолда ёшларни халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг юксак мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

– ёшларни Ўзбекистонга муносиб ворис бўла оладиган байналмилалчилик руҳида тарбиялаш;

– ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини, айна вақтда жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларини эгаллаш руҳида тарбиялашдан иборатдир;

– ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатиш;

– инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишига;

– жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришга;

– инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга;

– умумий ва махсус билимларга, замонавий дунёқарашга эга бўлган онгли, тафаккури тиник, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялаш каби собитқадамликка қаратилган ғояларни қамраб олади.

Хулоса шуки, ушбу масъулиятни нафақат олий таълим муассасаси, ота-она, балки, ҳар бир ўғил-қиз, жамиятимиз фуқаролари, кенг жамоатчилик ҳис қила олишига эришсак, кўзда тутилган механизм ишга тушади ва у ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, юртимиз тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймаз.

ТА. БОБОМУРАТОВ,
ТТА маънавият ва маърифат ишлари
бўйича проректор
Р.Б. ПОЛБАНОВ,
маънавият ва маърифат
бўлими услубчиси

